

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Хоразм вилояти ҳокимлигининг



“Ягона буюртмачи хизмати”

инжиниринг компанияси

директори

Ш.Отаев

.2022 йил

**Буюртмачи: Хазорасп тумани П.Махмуд, Ал-Хоразмий ва
Ишчилар МФЙлардаги Ғ.Ғулوم, Равнақ, А.Навоий ва Э.Гаязов
кўчалари меъёрий қиёфасини замонавийлаштириш ва
ободонлаштириш учун лойиха-смета хужжатларини ишлаб
чиқишга**

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқарув Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди

ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1 Хизматда шартнома асосида Хазорасп тумани П.Махмуд, Ал-Хоразмий ва Ишчилар МФЙлардаги Ғ.Ғулом, Равнақ, А.Навоий ва Э.Ғаязов кўчалари меъёрий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун (Лойиҳа смета ҳужжатлари, ЗВОС лойиҳаси ишларини, Экология экспертизаси, Топосёмка ва муаллифлик назоратини юритишни ўз ичига олган ҳолда).

1.2. Танлов қиймати -66190,1 (олтмиш олти миллион бир юз тўқсон минг бир юз) минг сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан лойиҳачи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 иш кунда тўлиқ бажариш талаб қилинади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Хоразм вилояти ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Урганч шаҳар Ал-Хоразмий кўча 23-уй

Эл.манзил: horazm_ik@umail.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга булган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

2.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар талаб этилади:

танлов предмета қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар; танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Лойхалаштириладиган объект лойхалаштириш тоифасига кўра 2 ёки 3-тоифали, лицензияси бўлиши, шунга ўхшаш объектларда ишлаган бўлиши лозим. Низом маблағи миқдори. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

2.3. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар ҳамда молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги ва олдин ишлаган объектлар бўйича ишлар ўз муддатида бажарган бўлиши лозим.

2.4. Танлов иштирокчилари - танлов предметининг лойиха ҳужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

ТАНЛОВ ҲУҶЖАТЛАРИ